

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Ziyovuddin paxta tozalash" AJ

Объявление

"ZIYOVUDDIN PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

СОБЛЮДАЙ

СОБЛЮДАЙ ИЛИ ОБЪЯСНЯЙ

«COMPLY OR EXPLAIN» («РИОЯ ҚИЛ ЁКИ ТУШУНТИР»)

ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛИГА АСОСАН ЭЪЛОН

«Ziyovuddin paxta tozalash» АЖ акциядорларининг 30.06.2016 йилдаги умумий йиғилиш қарори билан жамиятда Корпоратив Кодекс қабул қилинган бўлиб, мазкур Кодексга мувофиқ «Ziyovuddin paxta tozalash» АЖ фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этиш вазифаси юклатилган. Бирок, жамият тузилмасида корпоратив маслаҳатчи лавозими мавжуд эмас. Чунки, «Ziyovuddin paxta tozalash» АЖда корпоратив маслаҳатчи лавозимининг мажбуриятлари 2016 йил 6 августдан жамиятнинг структурасига асосан акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғига юклатилган..

Шуларни ҳисобга олган ҳолда жамият ташкилий тузилмасида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилмаган.

«Ziyovuddin paxta tozalash» АЖда Корпоратив бошқарув кодексининг 19-бандига асосан АЖнинг кузатув кенгашига мустақил аъзо киритилмаган. Корпоратив бошқарув кодексининг 19-бандига асосан АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзоси критерияларига мувофиқ бўлган ариза ва таклифлар жамиятга акциядорлардан тушмаган. Келгусида «Ziyovuddin paxta tozalash» нинг кузатув кенгашига мустақил аъзо киритилиши бўйича таклифлар тақдим қилинса, кўриб чиқилади.

«Ziyovuddin paxta tozalash» АЖ сайтида фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари жойлаштирилмаган. «Ziyovuddin paxta tozalash» АЖ фундаментал ва техник таҳлил ўтказилмаганлиги сабабли бундай маълумотлар Жамият веб-сайтида ошкор этилмаган. «Ziyovuddin paxta tozalash» АЖ бошқарув органлари мажлисларида ҳамда иш жараёнида фундаментал ва техник таҳлил ўтказиш тартиблари мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилади.

28.06.2018

Дата: 28.09.2022